Мулоҳаза

Мустақилликнинг 10 йиллиги

# ҚИЁС

Фарҳод МУСАЖОН

Сир эмас, орамизда совет даврини қўмсайдиганлар ҳам топилади. Шахсан мен учун эса бугунги ҳаётимиз ҳар жиҳатдан афзал, десам фикримни қўллаб-қувватловчилар кўплаб топилишига ишонаман.

Бирор нарсани шунчаки яхши ёки ёмон дейиш қуруқ сафсата, холос. Далил-исботлар билан асосланган гапгина таъсир кучига эга бўлади. Бинобарин, мен қуйида ўз нуқтаи назаримни яқин ўтмиш билан бугунги замонни таққослаб, далиллар келтириб фикр-мулоҳазаларимни айтмоқчиман.

Агар мен илгариги замон ғирт расво эди, зиғирча ҳам яхшилик кўрмагандик, бугунги ҳаётимизда мутлақо камчилик йўқ, десам ушбу мақоланинг давомини ҳеч ким ўқимай қўяқолади.

Хўш, унда нега менга бугунги ҳаётимиз афзал туюлади ва кўпроқ ёқади? Келинг, таққослаб, далиллар келтиришга уриниб кўрайлик.

Шўро тузумини қўмсайдиганлар ўша пайтда нарх-наво ҳар йили тушиб турарди, гугурт бир тийин, йўл кира уч тийин, гумма тўрт тийин, шакар ва гуруч саксон тийин турарди, хуллас, арзончилик эди дейишади.

Бироқ улар битта нарсани унутишади; ўша арзончилик пайтида танқисчилик авжида эди, энг зарур нарсалар етишмасди, магазинларда уч-тўрт хил озиқ-овқатдан бўлак ҳеч вақо бўлмасди, баъзи қишлоқ магазинлари умуман бўм-бўш эди. Тақчиллик ва узундан-узоқ навбатларда туриш бошимизга битган бало эди. Умримизнинг ярми навбатда туриб ўтарди. Озиқ-овқат ёки бирор саноат молини харид қилиш учун соатлаб навбатда сарғайиб турардик, етса етди, етмаса эртасига тонг саҳарлаб яна навбатда тургани чиқардик.

Гилам, телевизор, холодильник, мебель гарнитурлари кабилар анқонинг уруғи эди. Оддий пиёла нима деган гап, шу ҳам топилмасди, ҳатто чойхонада стаканларда чой ичганмиз. Бу ҳақиқат! Арзимаган матоҳни ҳам ишлаб турган муассасангиздан рўйхатга ёзилиб, йиллаб навбат кутиб, шунда ҳам омадингиз чопса олардингиз. Сархил озиқ-овқатлар талаш эди. Ҳукумат аъзоларига махсус магазинларда сотилар, улардан ортган сарқитни уруш қатнашчиларига ойда бир "паёк" сифатида тарқатиларди: 2 кг гўшт, 1 кг қора буғдой, бир банка қаҳва, 200 гр. пишлоқ ёки сариёғ.

Энди енгил автомашиналарга келсак, ўн йиллаб навбатда туриларди, ўшанда ҳам ишхонангиздан даромадингиз ҳақида (ўғри эмаслигингиз ҳақида) тавсиянома (райкомда тасдиқланган) олиб борсангиз навбатга қўйишарди.

Эслайсизми, ўша пайтларда энг бахтли инсон ким эди?

Кимнингки магазин директори ёки сотувчисидан оғайниси бўлса ўша энг бахтли эди. Энг обрўли, энг бой, энг нуфузли (фуқаролар учун энг керакли) одамлар магазинчилар эди. Мен уларни қораламоқчи эмасман, барака топкурлар менинг ҳам кўп марта ҳожатимни чиқаришган. Айнан танқислик магазинчиларни тўраларга, биз оддий фуқароларни уларга тобе қулларга айлантирганди. Машҳур олимлар, қўли гул шифокорлар, мушфиқ ва мунис ўқитувчилар, маънавият фидойилари — санъат аҳли, қолаверса, миллионлаб оддий фуқаро магазинчиларнинг олдига икки букилиб борардик: "Акахон, биттагина гилам (ёки кўрпа қоплашга пахта ёки ётоқхонага мебель) тўғрилаб беринг", деб ёлборардик. Раҳм-шафқатли акахонимиз илтимосимизни бажо келтирарди. Айни пайтда "қалпоғини" олишни ҳам унутмасди. Ҳа, қадр-қимматимизни хўрлаб, иззат-нафсимизни оёқ ости қилиб, ялиниб мол олганимиз етмагандек, энг нозик ва муқаддас туйғуларимиз лат ерди, шу тариқа умуммаънавиятимиз ич-ичидан зил кетарди.

Ҳозир, Оллоҳга шукр, тўкинчилик, бозор ва магазинларда одамнинг жонидан бўлак ҳамма нарса бор. Тўғри, қиммат. Майли, ишқилиб сероб бўлсин, сероб бўлса бир кун, албатта, нарх ташлайди. Ҳар ҳолда ўз пулингга нарса олмоқчи бўлсанг кимгадир букилиб таъзим қилиб ялинмайсан.

Иқтисодчилар халқ турмуш даражасини белгиловчи икки асосий кўрсаткич бор — бу нарх-наво ва миллий пулнинг қадри дейишади. Бу масалада ҳам ижобий натижалар кўзга ташланмоқда, нарх-навонинг ўсиши жиловланяпти, пулимизнинг қадрсизланишига аста-секин барҳам беріляпти. Кўп ўтмай нарх-наво арзонлашади, пулимизнинг эса қудрати орта боради. Мен бунга ишонаман, чунки Президентимизнинг барча саъйи ҳаракати шу масалага қаратилган.

Келинг, энди маънавият соҳасида икки тузумни таққослаб кўрайлик.

"Халқлар отаси" Сталин ўта золим, шафқатсиз, айни пайтда зукко ва зийрак эди. Бироқ "доҳий" қанчалик ақлли бўлмасин, битта нарсани тушунмасди. Ўзгача фикрлайдиганларни душманга чиқарарди, баҳс-мунозарани мутлақо тан олмас, биттагина тўғри йўл мухолифатни йўқ қилиш деб ҳисобларди. Шу боис миллионлаб бегуноҳ инсонларни қириб ташлади. Бироқ қанча қирмасин мухолифатнинг сони ортгандан ортиб бораверди. Қатағон авж олган сари мухолифлар ғазабланиб, давлатнинг, тузумнинг очиқ ёки хуфя душманларига айландилар.

Яна бир нарса "халқлар отаси"нинг назаридан четда қолган эди. Зулм авж олган ўлкада қўрқув ҳукмронлик қилади. Қўрқув ҳукмрон бўлгач, маънавият, мафкура, ташаббус, демократия таназзулга юз тутади. Шу боис қўрқув оғушида яшаган халқ буюк ишларга қодир бўлмади, оломонга айланиб, итоаткорликда умргузаронлик қилди. Сталиннинг тоталитар режими руҳимизга қуллик ҳиссини сингдирган, иттифоқдош республикалар раҳбарлари ипидан тортса ўйнайдиган қўғирчоқларга айланган эди.

Совет даврининг энг аянчли қусурларидан бири сиёсат, тузум, мафкуранинг ёлғонга қурилганлиги, ана шу ёлғонни фош этиш, тўғри сўзни айтиш мумкин эмаслигида эди. Энг даҳшатлиси, ёлғонга қурилган тузумни мақташга мажбурлик эди. Сукут сақлайдиганлар шубҳа остига олинар, ёт унсур саналар, қора рўйхатга киритиларди. Бу рўйхатга тушганларнинг шўри қурирди, шу боис барча зўр бериб ўзини ватанпарвар ва фидойи кўрсатишга уринарди. Фидойилик ёлғон сўзлашни қойил қилишдан иборат эди. Мана шу маддоҳлик совет давлатини инқирозга учратган сабаблардан яна биридир.

Ўша даврда танқид мутлақо йўқ эди, десак янглишамиз. Танқид тақиқланган жамиятда тараққиёт бутунлай тўхташини билган шўролар танқидга кўк чироқ ёқиб берганди: капиталистик давлатларни истаганча танқид қилиш мумкин ва лозим эди. Биз "чириб бораётган капиталистик тузум"ни аёвсиз ва тинимсиз савалардик. Цензура барқ урган, унинг темир панжалари барча соҳаларни қамраб олган эди. Тақиқланган соҳа ва мавзулар сон-саноқсиз эди. Давлат арбобларига, якка ҳоким компартияга, иқтисодий тангликка, сиёсатга, милицияга, миллий муаммоларга тил теккизиб бўлмасди.

Социализм баландпарвоз чақириқлар, дабдабалар, ҳайбаракаллачилик, оташин шиорларга қурилган тузум эди: "Совет халқи ёрқин келажак — коммунизм қурувчиларидир", "Американи қувиб ўтамиз", "Ҳозирги авлод коммунизмда яшайди" ва ҳоказо. Хуллас, ваъдалар катта эди, аммо бирортаси ҳам амалга ошмади. Нега?

Чунки етмиш йил мобайнида битта ғоя, битта мафкура, ёлғон шиорлар ҳукмронлик қилди. Ваҳоланки, ғоялар муттасил ўзгариб, янгиланиб, баркамоллашиб туриши шарт, йўқса эскириб тараққиётга тўсиқ бўлиб қолади... Хуллас, шўро тузумининг таназзулга учраганининг яна бир сабаби —берган ваъдасининг устидан чиқолмаслигида бўлди.

Яна бир таққослаш. СССР пайтида мамлакат темир қалқон билан ўралган қасрга айлантирилган, халқ қафасда яшарди. Табиийки, чет эллар билан иқтисодий, маданий, савдо-сотиқ алоқалари мутлақо йўқ эди (социалистик давлатлар бундан мустасно). Ҳатто ўз пулингга, хорижга саёҳатга чиқиш ҳам азоб, минг чиғириқдан ўтказилиб, рухсат этиларди.

**Эндиликда** Ўзбекистон оламга юз тутяпти. Ўнлаб давлатлар билан юзлаб қўшма корхоналар ташкил этиляпти, кўплаб ёшларимиз жаҳоннинг энг нуфузли университетларида таълим олишяпти, зиёлиларимиз турли халқаро анжуманларда қатнашяпти. Буларни илгари ҳатто орзу ҳам қилолмасдик.

Битта нарсани ғурурланиб, ҳайқириб айтмоқчиман: мустақилликка эришилгандан кейин атиги олти йил ичида ўз автомобилсозлик саноатимизга эга бўлиш тарихда мисли кўрилмаган оламшумул воқеа.

Албатта, фақат ютуқлар олдида гангиб, ҳайбаракаллачиликка берилиб кетмаслигимиз керак. Вақтида ўз камчиликларимизни кўра билишимиз ва тинимсиз уларни бартараф этиб бориш йўлларини ахтаришимиз лозим.

Мен оддий бир ижодкорман, табиийки, иқтисодни бу соҳанинг мутахассис ва мутасаддилари сингари яхши билмайман. Аммо бу соҳа ва унинг муаммолари ҳақида, бошқалар қатори, ўз фикри ожизимга эгаман деб ўйлайман.

Албатта, ҳар қандай ислоҳотни ҳам хамирдан қил суғургандек силлиқ ўтказиб бўлмайди. Ислоҳот жарроҳликка ўхшаган мураккаб иш. Биз оёққа туриб, соғлиғимизни яхшилаб олдик, тетик-бардам, бақувватмиз, туртиниб-суртиниб, атак-чечак қилиб юрадиган даврдан ўтдик. Собит, шаҳдам ва залворли қадамлар ташлаб олға интиляпмиз. Демак, йўлимизга тўғон бўлиб турган ҳар қандай муаммоларни сира иккиланмасдан дадиллик билан ҳал қилишга қодирмиз. Халқнинг онги ўсди, фаровонлик йўлида учрайдиган ҳар қандай ғовлардан оғринмай ўтишга, вақтинчалик қийинчиликларга чидашга ва уларни енгишга тайёр.

Мустақиллик беҳисоб неъматлар берди халқимизга. Чунончи, ҳунармандлар кишанлардан озод этилди, фермерлар, тижоратчилар, банкирлар, пудратчилар пайдо бўлди, қўшма корхоналар қурилди, деҳқонларга ерлар берилди, савдо-сотиққа кенг йўл очилди, чет эллар билан иқтисодий, ижтимоий, маданий алоқалар ўрнатилди. Оддий бир фуқаронинг ўз фикр ва нуқтаи назарини очиқ айта олишига имконият яратилганлиги мустақилликнинг энг қадрли неъматларидан биридир.

Номуссиз худбинлар бўлади, қорним тўқ, эгним бут, менга зарур келибдими жонимни ачитиб қабилида иш тутадилар. Ваҳоланки, Президент ҳамиша қуйиб-пишиб бизни ташаббус кўрсатишга, фаол ва фидойи бўлишга чорлайди. Мен шу ўлканинг бир жонкуяри сифатида Президентимизнинг даъватига амалий ишлар билан жавоб берайлик, деган ниятда ушбу фикр-мулоҳазаларимни билдирдим.

Матбуот

# ЧУЧВАРА ЕЙИШДАН МАҚСАД...

## Ёхуд муассис масъулияти хусусида

Бошқа жойларда қандай — билмадим-у, бироқ Фарғона бу борада улоқни олиб қочаётгандек туюлади, назаримда. Газеталар бодроқ бўлиб кетган. Бундан ўн йил аввал вилоятда ҳаммаси бўлиб 16 та ном билан чоп этилган бўлса, бугунга келиб 59 тага етди!

Чучвара ейишдан мақсад — гўшт ейиш. Эскитдан қолган ҳикмат бу. Бир иш қиладиган бўлсанг, уни қиёмига етказиб қил деган маънода айтилган. Хўш, газета чиқаришдан мақсад нима? Соддароқ қилиб айтганда, бошқаларга гап уқдириш, йўл-йўриқ кўрсатиш, зиё улашиш ва ҳоказолар. Шундай эмасми?

Бизда газета чиқарувчиларнинг ҳаммасиям матбуот ҳақидаги давлат қонунларини яхши билади, матбуот зиммасига юклатилган вазифаларни тўғри тушунади ва чиндан ҳам талаб даражасида иш олиб боряпти, деб бўлмайди. Тўғри, уларнинг асосий кўпчилиги бош мақсад йўлида заҳмат чекаётган бўлишса-да, бошқалардан кимдир ўзини сиз-у биздан ақллироқ қилиб кўрсатиш, кимдир атиги ном чиқариш ва яна кимдир олди-қочди гапларни бозорга солиб, одамларни лақиллатиб ва шу йўл билан текин даромад топиш пайида.

Газеталар турининг тобора кўпайиб бораётгани табиий ҳол, албатта. Буни тўғри қабул қилиш лозим. Миллий истиқлол бизга сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги эшикларини очиб бермоқда. Яхши нарсалар яшовчан бўлади, бўлмағурлари йўл-йўлакай ғалвирдан тушиб қолаверади. Бироқ ғалвирдан тушиб қолгунига қадар қанчадан-қанча одамларнинг онгини заҳарлайди, асабларни жароҳатлайди, тўғри йўлдан чалғитади, вақтга завол келтиради, чўнтагини шилади. Бу ҳам ўз йўлида товламачиликнинг бир туридир, эҳтимол.

Яна бир нарса: Бизда асосан шаҳар ва туман ҳокимликлари, айрим тармоқ бошқармалари муассис бўлган газеталарнинг кўпчилиги қийин аҳволга тушиб қолган. Моддий-техник жиҳатдан ҳам, ижодкор кадрлар масаласида ҳам. Газетани тақдир тақозосига ташлаб қўйишнинг хунук оқибати бу. Натижада, айрим нашрларнинг тиражи кескин камайиб, унинг малакали ходимлари бошқа пултопар таҳририятларга ишга ўтиб кетишяпти.

Шу ўринда бир иқтибос келтирайлик. Қўқон шаҳар ҳокимлигининг "Қўқон садоси", Учкўприк ва Фарғона туманлари ҳокимликларининг "Янги Фарғона" ва "Водил ёғдуси" газеталари ривожланиб, уларнинг босма ададлари 8-10 минг нусхаданга етиб қолаётганида, Сўх ва Тошлоқ, Қува ва Бувайда, Данғара ва Бешариқ, Фарғона шаҳар ҳокимликлари газеталари чор-ночор, хўжакўрсингагина чиқарилиб турганини нима деб изоҳлаш мумкин? Гап йўқ, қаердаки муассис ўз нашрига нисбатан талабчан ва ғамхўр бўлса, у жойда ортиқча муаммоларга ўрин қолмайди.

Хўш, талабчанлик ва ғамхўрлик деганда нималар назарда тутилади? Яхшиси, номлари юқорида тилга олинган Қўқон шаҳар, Фарғона, Учкўприк туманлари ҳокимликларининг ўз газеталарига муносабатига тўхталайлик. Бу муассислар ўз газеталарига тезкорлиги, долзарблиги, давр талабларига ҳозиржавоблиги ва таъсирчанлиги бўйича ўзларида жиддий масъулият ҳис этадилар. Таҳририятларни замонавий компьютерлар ва бошқа техник воситалар билан таъминлаб қўйишган. Кези келганда, моддий ёрдам ҳам кўрсатадилар. Яна шунингдек, ўз ҳудудларидан ҳомийларга ҳам бириктириб қўйишган. Обуна мавсумида ҳам ёрдамга шошиладилар...

Энди бир оғиз газеталаримизнинг чоп этилиш сифати хусусида. Офсет вилоятимизга жуда қийинчилик билан кириб келмоқда. Яна ўша гап: қаердаки газета тақдирига муносабат жиддий бўлса, у ерда офсет дастгоҳлари ҳам мавжуд. Газеталар билан бир қаторда, бошқа кўплаб турдаги матбаа маҳсулотлари ҳам кўзни қувонтирадиган даражада чоп қилиб борилялти.

Хўш, қўшни вилоятларга қараганда нима учун Фарғонада бу борада турғунлик ҳукм суриб қолди? Яқинда вилоят Матбуот бошқармаси бошлиғи вазифасига ёш ва изланувчан, тадбиркор, ўз ишининг билимдони бўлган мутахассис Алишер Жалилов тайинланди. Мен янги раҳбарни мақтамоқчи эмасман. Лекин бу ерда амалга оширила бошланган ибратомуз тадбирларни кўриб, беихтиёр қувонасан киши.

Вилоят Матбуот бошқармаси қошида босмахоналар ва китоб савдоси раҳбарлари ҳамда бошқа етакчи мутахассислар таркибидан ташкил топган мувофиқлаштириш кенгаши фаол ишга киришди. Кенгаш аъзолари матбаачилик бўйича аҳволни изчил таҳлил қилиб, мавжуд муаммоларни маҳаллий ҳокимликлар ва мутасадди ташкилотлар раҳбарлари билан боғланган ҳолда ҳал этиб бормоқдалар. Кейинги икки ой ичидаёқ учта туман босмахонасига амалий ёрдам кўрсатилиб, фаолияти изчил йўлга қўйиб берилди.

Бундан ташқари, Матбуот бошқармаси вилоятда чоп этилаётган газеталарни таҳлил қилиб боради. Матбуот бошқармасида янги ташкил этилган таҳририятлар бўйича мувофиқлаштириш кенгашининг тузилиши ва иш бошлаши вилоятимизда даврий нашрларга катта эътибор қаратила бошланганидан далолатдир. Кенгаш фаолиятида таҳририятларга тегишли муаммолар муҳокама этилиб, зарур фикр-мулоҳазалар, таклиф ва истаклар ўз вақтида жойларга етказиб турилибди.

Хуллас, бугунги матбуотимиз ва матбаачилик бўйича биз юқорида қайд этган айрим норасоликларнинг барҳам топиб боришида Матбуот бошқармаси жиддий кўмак кўрсата бошлади. Бироқ бу биргина Матбуот бошқармаси билан ҳал бўлиб кетадиган иш эмас. Яна эслатамиз: ҳар бир газета учун унинг муассиси масъулдир. Матбуотга муносабат ҳар томонлама жиддий ва амалий бўлсин. Биз миллий истиқлолимиз руҳиятига зид, миллий қадриятларимиз ва шаънимизга иснод келтирувчи, ҳар қандай олди-қочди ва тутуриқсиз газеталардан қанчалик тезроқ халос топиб борсак, шунчалик кўпроқ савоб иш қилган бўламиз, деб ҳисоблайман.

**Тилаволди ЖЎРАЕВ,**
**ёзувчи,**

*Фарғона*

Фикр

# СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ МУЛК ҲУҚУҚИ

Демократик тамойилларни қарор топтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий фаоллиги ва сиёсий маданиятини шакллантириш — кучли демократик инсонпарвар жамиятга ўтишнинг асосий шартлари ҳисобланади. Буларни амалга оширишда турли хил жамоат бирлашмалари ва сиёсий партияларнинг аҳамияти беқиёсдир. "Шуни яхши уқиб олишимиз керак, — деган эди Президентимиз И.А.Каримов Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ олтинчи сессиясида сўзлаган нутқида, — жамиятимиз тузилмаларида мувозанатни сақлайдиган кучли оммавий жамоат бирлашмалари бўлмас экан, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида ўзбошимчалик, валюнтаризм, авторитар тафаккур ва бошқарув аппаратининг коррупцияси сингари иллатларнинг бўлмаслигига жиддий кафолат ҳам бўлмайди".

Сиёсий партиялар ҳақида кўп гапирамиз. Бироқ сиёсий партияларнинг ўзи нима, улар қандай мақсадларни кўзлайди? Бу саволлар ҳар биримизда қизиқиш уйғотиши табиийдир. Сиёсий партиялар — Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва муштарак мақсадлари асосида тузилган, давлат ҳокимият органларини шакллантиришда, жамиятнинг муайян қисми сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмалари ҳисобланади.

Демократиянинг тантанаси партиялар сонининг кўплиги билан эмас, балки уларнинг ўзига хос дастурлари, уларда аҳолининг ижтимоий манфаатлари акс этиши, давлатнинг конституциявий меъёрларини ҳурмат қилиши ҳамда уларга риоя этиши билан белгиланади.

Сиёсий партиялар фаолиятини таъминловчи ва сиёсий манфаатларини юзага чиқарувчи моддий асос — уларнинг мол-мулки ҳисобланади. Хўш, уларнинг мулкини нималар ташкил қилади? Бу мулк нималардан ташкил топади? Бу саволларга жавоб топиш учун Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги қонунига назар ташлаш жоиз. Қонуннинг 15-моддасига биноан, сиёсий партиялар мулкида бино, иншоот, ускуналар, нашриёт, транспорт воситалари, шунингдек, уставда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бошқа мол-мулк бўлиши мумкин.

Сиёсий партиялар ўз мулкини шакллантириш учун қуйидаги манбалардан маблағ олиши қонуний ҳисобланади:

- аъзолик бадалларидан;
- ноширлик фаолиятидан келадиган даромадлардан;
- фуқаролар ва жамоат бирлашмалари томонидан бериладиган беғараз ихтиёрий мулкий бадаллар ва эҳсонлардан;
- уставга мувофиқ ўтказиладиган маърузалар, кўргазмалар, спорт мусобақалари ҳамда бошқа тадбирлардан;
- қонуний тартибда орттирилган бошқа даромадлардан.

Сиёсий партиялар ўз уставидаги вазифаларни бажариш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналар ва хўжалик ҳисобидаги ташкилотларни барпо этиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Уларнинг бу фаолияти давлат рўйхатидан ўтгандагина қонуний ҳисобланади. Тадбиркорликдан орттирилган маблағлари фақат уставларида кўрсатилган вазифаларни бажаришга қаратилган бўлиши лозим. Бироқ бу маблағлар аъзолар ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

Агар партия тугатиладиган бўлса, ушбу мол-мулкдан унинг кредиторлари талаби қондирилади ҳамда қолгани худди шундай масалаларни амалга ошириш учун давлатга ўтади. Айни пайтда сиёсий партияга аъзо бўлиш ва ундан чиқиш ихтиёрий ҳисобланиб, партиядан чиқиб кетадиган аъзо унинг мулкидан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

Сиёсий партиялар, уларнинг муассаса ва ташкилотлари бевосита ёки билвосита: давлат органларидан, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан, диний ташкилотлар ҳамда аноним хайрия берувчилардан маблағ олишлари тақиқланади. Шунингдек, сиёсий партиялар чет эл банкларида ҳисоб варақлар очиш, уларда қимматбаҳо ашёлар сақлаш ҳуқуқига эга эмас. Давлат сиёсий партияларнинг сайловларда иштирок этиши муносабати билан уларга субсидиялар бериши мумкин.

Сиёсий партиялар ҳар йили ўз бюджетини эълон қилади. Модомики, сиёсий партиялар халқнинг манфаатларини юзага чиқарар экан, уларнинг биринчи навбатда халқ олдида ҳисоб бериши фаолиятининг асосий мезонларидан ҳисобланади. Қолаверса, сиёсий партиялар ўз фаолиятини маблағ билан таъминлаш манбалари тўғрисида Олий Мажлисга ёки у ваколат берган органларга белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

Демократияни кенг жорий қилиш, аввало, мана шу партияларнинг жамият ҳаётидаги фаоллиги билан белгиланади. Уларнинг кўпроқ халқ билан бирга ишлаши, мол-мулкларини мамлакат равнақи йўлида сарфлаши орзу қилинган жамият қуришга яхши ҳисса бўлиб қўшилади. Зеро, барчамизнинг мақсадимиз ҳам жонажон Ватанимиз ривожига имкон даражада ўз улушимизни қўшишдир.

**Миродил БАРАТОВ,**
**ТДЮИ катта ўқитувчиси,**
**Муродилла АБДУҲАКИМОВ,**
**талаба**

Афсус

# СОЧ ЮЛИШМАНГ, ҚИЗЛАР!

Кўча тасодифга тўла деймиз. Ҳақиқатан ҳам шундай. Яқинда икки ҳамкасб ишдан сўнг Сайилгоҳ кўчасида суҳбатлашиб борардик. У ердаги қайноқ ҳаётни, дам олаётган ёшлангларни, болажонларини етаклаб юрган ота-оналарни кўриб кўзингиз қувонади. "Зарафшон" ресторани олдида қизларнинг тўпланиб турганига кўзимиз тушди. Ўртада эса ёши 17-18лар атрофидаги икки қиз. Ҳамроҳим иккимиз қизиқсиниб ўша томонга қарадик-да, сўнг қизлар каратэ машқини намойиш қиляпти шекилли деб гап қотдик. Икки қадам нарига кетган ҳам эдикки, бояги қизларнинг бақириқ-чақириғи эшитилиб қолди. Не кўз билан кўрайликки, у қизларнинг иккиси ҳам ўзбек бўлиб, бир-бирининг сочини юлиб, тепишаётган эдики, буни сўз билан ифодалаш қийин.

Ҳамма томошабин, ҳамма жим. Наҳотки қизларимиз шунчаликка боришса дея афсус чекдик. Биз бундай юлишишларни фақат кинолардагина кўрар эдик-да.

Қизларжон, ахир сизларга нима бўлди? Шарму ҳаё, ибо қани? Ҳар бир ота-она қизим бор, фахрим бор деб ғурурланади. Кўчаларда бундай "ўйин" кўрсатиб юрганингизни улар билса қай аҳволга тушадилар?!

**Маъсуда ЁҚУБОВА**



Мушоҳада

# ЎТАЛАР ҲАҚМИ, БОЛАЛАР?

Аслида, саволнинг бу тарзда қўйилиши бизнинг миллий турмуш тарзимизга, удумларимизга нисбатан эриш туюлади. Бироқ ҳаётда баъзан учраб турадиган зиддиятли муомала-муносабатлар ана шундай муаммолар устида ҳам бош қотириб кўришга ундайди.

Болалигимизда оталаримиз бизга соч қўйдирмасди, уларнинг назарида бу одобсизлик саналарди. Кейинчалик, соч қўйиш улар ўйлаганчалик одобсизлик эмаслигини англаб етдик ва соч қўйиб юрадиган бўлдик. Бугунги кунда эса болаларимизнинг соч қўйиб юришини хоҳлаймиз. Ўғилларим эса... сочини қиртишлаб юришни хуш кўришади.

Хўш, оталар ва болалар бир хил фикрлайдиларми?.. Шундай бўлса, бу удумларимизга зид эмасми?

Аслида қарашларнинг ўзгариши авлод янгиланаётганини англатади. Ҳар бир авлод дунёга ўз фикри билан келади, ўзидан олдинги авлоднинг умумий қарашларини асос қилиб олади ва унинг ичида муайян ўзгаришлар ясашга уринади, айрим жузъий томонларини инкор этади. Бу ўз навбатида катта авлодга ёқавермайди ва ўртада келишмовчиликлар келиб чиқади. Эҳтимол буни келишмовчилик, дейиш нотўғридир, оддийгина баҳс, десак, ўринли бўлар. Нима бўлгандаям бу тўқнашув эмас, балки кичик англашилмовчиликлар доирасидаги гап-сўзлар, холос. Аксарият ҳолларда бу англашилмовчиликлар, тушунмовчиликлар шу доирада қолиб кетади. Аммо тарих бу ҳолатнинг ривожланиб, йирик ўзгаришларга олиб келганига ҳам гувоҳ.

Яқинда «Ҳуррият» газетасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоевнинг бундан анча йиллар олдин рўй берган бир воқеа хусусидаги мақоласи эълон қилинди. Унда вафот этган қария отанинг болалари васиятига хилоф равишда, унинг мол-мулкини отасининг ёш хотини – ўгай оналаридан тортиб олишмоқчи бўлгани ва бу борада юзага келган жанжаллар хусусида гап боради. Воқеа оддий – Отахон хотини ўлиб, фарзандлари билан қолгач, уйланмай тинимсиз меҳнати орқасидан болаларини уйли-жойли қилади, ташландиқ жойда боғ яратади. Кейин уйланади. Ўлими олдидан ўзига тегишли мол-мулк ва уй-жойни ёш хотинига васият қилиб қолдиради. Бунга эса отахоннинг фарзандлари рози бўлишмайди. Икки ўртада келишмовчилик келиб чиқади.

Гап ушбу воқеада эмас, балки унинг моҳиятида. Бизнинг назаримизда, гўё оталаримиз биз учун яшаши, ишлаши ва бутун борлиғини бизга бахшида этишлари лозимдай. Бу шарқона турмуш тарзига хос хусусият. Негадир оталар ўз ички кечинмаларини имкон қадар болаларидан яшириб яшашлари керакдай.

Ўз навбатида, бизда баъзи оталар ҳам фарзандни дунёга келтирганини унинг учун қилган жуда катта яхшилиги деб тушунади. Ўзларича сени мен яратдим, менсиз сен йўқ эдинг, бунинг учун бутун умр қарздорсан, дегандай, мағрурланиб юришади.

Бир қарашда биз буни одатий ҳаёт тарзи, деб ҳисоблаймиз. Ахир, фарзанд яратиб қўйганимиздан мағрурланиш, фарзанди йўқларга бошқачароқ назар билан қараш, қайсидир маънода, ҳар биримизда учрайди. Гўёки бу бизнинг қўлимиздан келадиган энг катта ишдай. Ҳатто, машҳур ёзувчи Маркес ҳам бир суҳбатида ўзининг энг яхши ижоди фарзандлари эканини айтган. Аммо ўйламаймизки, фарзандни яратиш-яратмаслик бизнинг хоҳишимизга боғлиқ эмас. Бизнинг бу борада мақтанишга сира ҳаққимиз йўқ. Чунки фарзанд кетмон даста эмас, йўниб ясагани.

Одатда, фарзандингиз гапингизга кирмаса, жаҳлингиз чиқади. Ҳатто ичингизда шу ярамасни яратиб қўйганингизга афсуслангандай бўласиз. Лекин сиз шу фарзандингизни яратиш учун ҳеч бўлмаганда бир ниҳолни экканчалик азият чеканмисиз? Йўқ. Шундай экан, оталарнинг ўз фарзандларига уларни дунёга келтиришганини миннат қилишга ҳақлари йўқ.

Айрим оталар кўпинча ўзларини болалари устидан мутлақ ҳокимдек тасаввур қиладилар. Бир қарашда ушбу ҳолат одатий ҳолга ҳам ўхшаб кетади. Аслида эса... Файласуф Локк оталар фарзандларини дунёга келтиришгани учунгина уларга хўжайин бўлиб қолмайдилар, деган қарашни илгари суради. Хуллас, отанинг фарзандни «яратгани» унинг устидан ҳукмронлик қилиш ҳуқуқини бермайди. Балки унинг зиммасига маълум бир мажбуриятларни юклайди, яъни ота-онанинг ўз фарзандларини тарбиялашлари, ўқитиб-ўргатишлари уларнинг нафақат маънавий, балки табиатан келиб чиқадиган вазифалари ҳисобланади.

Гоголнинг қаҳрамони Тарас Бульбанинг хоинлик қилган ўғлини отаётган пайтдаги гапини эслайлик: «Мен сени ўзим яратдим ва ўзим ўлдираман». Унинг ўз фарзандини, эҳтимол, хоинлик қилгани учун ўлдиришга ҳаққи бордир. Аммо айнан ўғли бўлгани учун унинг бу ишга қўл уришга ҳуқуқи йўқ.

Назаримизда, оталар ва болалар ўртасидаги келишмовчиликлар, қарашларнинг тўғри келмаслиги сабаби иккита: биринчидан, оталар ўзларини болалари устидан мутлақ ҳукмрон ҳисоблайдилар. Болаларнинг эса бу борада қарашлари бошқача, яъни, улар оталар фақат фарзанд учунгина яшайди, деб ўйлайдилар.

Қайси маънодадир шунга ўхшаш тўқнашувлар ҳар қандай ота ва бола ўртасида юз беради. Болалар оталарнинг турмушда орттирган тажриба, қоидаларини тўлалигича қабул қилишни истамайдилар. Оталар болаларининг ўзларига сўзсиз бўйсунишларини истайдилар. Натижада икки ўртада келишмовчилик юзага келади. Умуман, бу ҳолат ошкора тўқнашувга ҳам айланиб кетиши мумкин.

Шулар билан бирга оталар ва болалар ўртасида юзага келган шундай ҳолатлар туфайли болаларнинг турли хил масъулиятларни ўз зиммаларига олишлари жуда кечикиб кетмоқда. Дейлик, бизда ўттизга кирган киши ҳали ёш ҳисобланади. У агар отаси ҳаёт бўлса нафақат ўзининг, балки болаларининг масъулиятини ҳам зиммасига олгиси келмайди, ҳатто бошқалар ҳам унга шундай назар билан қарайди. Ҳолбуки, жаҳоннинг барча машҳур кишилари ўз ишларини деярли ўттиз ёшга қадар қилиб улгуришган.

Қирққа кириб ҳам ёш бўлиб юриш хусусияти адабиётда ҳам ўз ифодасини топган. Дейлик, бугунги кунда қирқни қоралаб қолган ёзувчи-шоирлар ҳам бизда «ёш, умидли» саналади. Аслида бундай ёшда улардан бирор нарсани умид қилиш эмас, балки талаб этиш лозим. Бу ёшда жаҳоннинг буюк адиблари ўзларининг шоҳ асарларини яратишган.

Тўғри, отасининг соясида яшаш одати бизда азалдан мавжуд. Дарвоқе, «Моҳият» газетасида бу масаланинг маиший томонлари хусусида мақолалар эълон қилинганди. Аслида ушбу мавзунинг моҳияти ўша мақолаларда ёритилганидан кўра чуқурроқ. Яъни, бу муаммо фақат оталар ва болалар ўртасидаги моддий муносабатлар доираси билан чекланмайди.

Бизда оталик ва болалик туйғулари жуда чуқур ривожланган ва баъзи бир халқлардаги каби, бола улғайиб, вояга етиши билан иккала томон ҳам ўз йўлларидан кетавермайди. Бу эса, ўз навбатида, улар орасидаги муносабатларнинг теранлашувига олиб келади.

Шунга қарамай, биз учун ота муқаддас ҳисобланади. Чунки у нафақат генлар орқали болага ўтадиган хусусиятни ифодалайди, балки ота-боланинг шаклланишидаги асосий шахс саналади. Бола отанинг паноҳида ўсади, улғаяди, тарбия топади. Унинг учун отанинг ибратли хатти-ҳаракати, одатлари азиз ҳисобланади. Чунки бола шаклланиш жараёнида отанинг барча хусусиятларини ҳақиқат сифатида кўради, қабул қилади. Келишмовчиликлар эса кейинчалик, яъни, бола улғайиб, отасининг ҳаракатлари ягона ҳақиқат эмаслигини ҳис эта бошлагач, пайдо бўлади. Аммо икки ўртада қандай келишмовчилик содир бўлмасин, халқимизнинг от айланиб қозиғини топади деган мақоли, шубҳасиз, бу масалада ҳам амал қилади: фарзанд ҳеч қачон, ҳатто юзга кирганда ҳам отасининг таъсир доирасидан чиқиб кетолмайди, ундан узоқлашган сари бу ҳолат кучайиб бораверади.

Хулоса қиладиган бўлсак, ота яратгани учун боласининг олдида жавобгар эмас, лекин тарбияси учун масъул. Шунингдек, ота боланинг олдида қилган ҳар қандай ҳаракати унинг кўз ўнгида бир умр гавдаланишини, айтилган ҳар қандай гапи эса қулоғи остида бир умр жаранглаб туришини унутмаслиги лозим. Бугун сиз нима иш қилманг, эртага фарзандингиз сизни севиши ёки нафратланишидан қатъи назар, шу ишни, албатта, такрорлайди. Қайтар дунё деб шунга айтсалар керак.

Келишмовчиликлар эса, одатда, оталарнинг мағрурлиги, болаларнинг эркалиги туфайли келиб чиқади, холос.

**Исмоил ШОМУРОДОВ**

